Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 205 (8195). • 29 октябрь, 1983 йил • ШАНБА • Баҳоси 3 тийин.

ТИНЧЛИК ИШИ — МУҚАДДАС

Барча совет кишилари қатори областимиз меҳнаткашлари ҳам Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавобларини якдиллик билан маъқуллаб, қизғин қўллаб-қувватлаётирлар. Улар тинчликни мустаҳкамлаш ишига муносиб ҳиссаларини қўшиш учун янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга аҳд қилмоқдалар.

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Корхонамиз ишчи-хизматчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетасига жавоблари билан чуқур атрофлича танишиб чиқдилар. Партия ва давлатимиз раҳбари бу жавобларида бутун совет халқи номидан қуролланиш пойгасига чек қўйишга даъват этди. Ўртоқ Ю. В. Андропов жавобларида баён этилган янги совет ташаббуслари Женевада олиб бориладиган музокаралар муваффақиятли тугалланишига реал имкониятлар очиб беради.

Халқаро вазият ғоят хавфли тус олаётган ҳозирги пайтда тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамма чораларни кўриш лозим. Биз ишчилар юксак унумли, самарали меҳнатимиз тинчлик ишига қўшиладиган муносиб ҳисса бўлишини яхши биламиз. Шунинг учун ҳар қачонгидан ҳам ғайрат билан меҳнат қиламиз.

Р. РАЖАБОВ,
«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси.

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛАДИ

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига берган жавоби бутун дунёда тинчликни сақлаш тўғрисида ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир.

Халқлар тинчликни истайдилар. Халқаро вазиятда рўй берган ҳар қандай муаммоларни, чигал масалаларни Америка империалистлари ўйлаганидек дўқ-пўписа, қурол воситаси билан эмас, балки музокаралар йўли билан ҳал қилиш мумкин. Ўртоқ Ю. В. Андропов бунинг йўлларини кўрсатиб бермоқда.

Биз адолат тантана қилишига қаттиқ ишонамиз. Ўзимизнинг меҳнатимиз, ишларимиз билан дунёда тинчликнинг сақланишига ҳисса қўшишга астойдил ҳаракат қиламиз.

Ф. АЗИМХЎЖАЕВ,
Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» совхози директори.

ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН

Тинчлик — бу бахт, тўқчилик, фаровон ҳаёт демакдир. Мен тўрт йил урушнинг энг оловли жангларида бўлиб, ўз кўзим билан уруш даҳшатларини, унинг асоратини, иқтисодий, маънавий зарарларини кўрганман. Америка империалистларининг тинчликка қилаётган ва тобора авж олаётган таҳдиди, Ғарбий Европада янги ракета қуролларини жойлаштиришга тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказаётганлиги тинчликсевар совет кишиларининг ҳам каҳр-ғазабини кучайтириб юборди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси мухбири саволларига жавобларида АҚШ империалистларининг бундай ҳаттиҳаракатлари яна бир бор қораланди, кирдикорлари фош қилиб ташланди, Американи ng айби билан боши берк кўчага кириб қолган Женева музокараларини соғлом йўлга солиб юбориш зарурлигини яна бир бор таъкидлади.

Бизнинг орзуимиз битта — у ҳам бўлса жаҳонда осойишталик ҳукм сурсин. Мамлакатимиз тинч бўлсин, турмушимиз равнақ топаверсин. Совет кишилари ақл-идрок ғалаба қилишига қатъий ишонадилар. Шунинг учун ҳам биз Советлар мамлакатимизнинг жаҳонда тинчликни сақлаб қолиш йўлидаги барча тадбирларини қўллаб-қувватлаймиз.

Сайфиддин ИБРОҲИМОВ,
Улуғ Ватан уруши, меҳнат партия ветерани, педагог.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

ДОВОН ОШГАНЛАРГА ОФАРИН!

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Куйбишев номли колхоз пахтакорлари бу йилги об-ҳаво иншиқликларига қарши маҳорат ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилиб, йиллик планни районда биринчилар қатори бажардилар. 911 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 29,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Қабул пунктларига топширилган 2645 тонна хомашёнинг 80 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. 2300 тонна «оқ олтин» эса «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

Гектаридан 45 центнердан хирмон уйиб, социалистик мажбуриятини ҳам адо этган Очил Маматқулов бошлиқ бригада колхоз хирмонига, айниқса, баракали ҳисса қўшди. Тожибой Қобилов, Ғаффор Тожибоевлар раҳбарлик қилаётган бригадалар ҳам мажбуриятларини барвақт бажариш учун кураш олиб боряпти.

Дастлабки довондан ошган хўжалик пахтакорлари ҳашарчилар хизматидан мамнун бўлмоқдалар. Райондаги 15-ва 28-ўрта мактабларнинг ҳар бири хўжалик хирмонига 236 тоннадан ҳосил териб тўкдилар. Шунингдек, «Водиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Чирчикторг» ҳамда Чирчиқ шаҳридаги 20-мактаб ўқувчилари ҳам планнинг барвақт бажарилишига муносиб улуш қўшдилар.

БЎКА. Ильич номли колхоз ҳам йиллик планни бажарганлиги ҳақида ғалаба рапорти берди. Давлатга 3252 тонна юқори сифатли хомашё етказиб берилди.

Озод Абдувалиев, Мария Маматова, Умар Юсупов, Азимбой Йўлдошев, Сулаймон Ниёзқуловлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳозирнинг ўзидаёқ гектаридан 35—40 центнердан ҳосил кўтарилди.

Колхоз далаларида ҳосил мўл. Йиғим-терим қизғин давом этяпти. Давлатга яна 300 тонна «оқ олтин» сотилиб, умумий ҳосилдорлик 35 центнерга етказилади.

ПИСКЕНТ. Райондаги йирик хўжаликлардан бири ҳисобланган Охунбобоев номли колхоздан хушхабар келди. 1570 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди, давлатга 4900 тонна хомашё сотилди ва йиллик план муддатидан илгари ортиғи билан адо этилди.

План бажарилган бўлса-да, колхоз далаларида йиғим-терим ишлари қизғин давом эттириляпти. Ҳосил чўғини ҳисобга олган пахтакорлар қабул пунктларига яна 1000 тонна хомашё етказиб беришга аҳд қилдилар.

ҚАҲРАМОН ОНАНИНГ КАТТА ХИРМОНИ

ОҚҚЎРҒОН. Каромат ая Ҳазратқулова — қаҳрамон она. Унинг 15 нафар фарзанди бор. Фарзандлар тарбияси билан шуғулланишдан ташқари пахта йиғим-терими бошланган дастлабки кунданоқ далаларда ғайрат кўрсатиб меҳнат қилаётир.

Ўтган куни қаҳрамон она бошлиқ оила аъзолари «Оққўрғон» совхозининг 6-бўлимидаги 3-бригада хирмонига 845 килограмм подбор териб тўкдилар. Каромат аянинг фарзандлари билан мавсум бошидан бери терган «оқ олтин»и 14 тоннадан ошди. У 16 тоннали хирмон уйиш юзасидан олган мажбуриятини яқин кунлар ичида бажаради.

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ, ҲАШАРЧИЛАР

ЧИЛОНЗОР **райони меҳнаткашлари, шунингдек, Тошкент ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчи-хизматчилари райондаги Куйбишев номли колхоз пахтакорларига йиғим-теримда самарали ёрдам кўрсатмоқдалар. Айниқса, ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг кунлик теримда энг юқори кўрсаткичга эришаётганлиги колхозчилар олқишига сазовор бўлмоқда. Ҳашарчиларнинг ҳар бири кунига 43—45 килограммдан ҳосилни йиғиштириб бермоқдалар.**

Ўтган куни Юлия Ивановна, опа-сингил Ҳалима ва Маҳфуза Юнусовалар 60—62 килограммдан подбор теришди. Бу ҳашарчиларнинг ҳар бири шу кунгача 2 тоннадан пахта териб беришган.

КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

ҒАЛАБА. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Абдулла Чачи етакчилик қилаётган Мустафо Чачи номли бўлими пахтакорлари ҳам зафар қучдилар. Улар 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35,1 центнердан хирмон кўтариб, хўжаликда биринчи бўлиб йиллик планни адо этишди.

Совхознинг «Дўстлик» бўлими пахтакорлари ҳам ғалаба рапортига имзо чекишди. Мусахон Аҳмедов бошқараётган бу бўлимда 620 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 36 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

ЁШЛАР ЖАСОРАТИ

БЕКОБОД. Шу кунларда районнинг 14,5 минг комсомол-ёшлари пахта йиғим-теримида актив қатнашмоқдалар. Уларнинг 1700 нафари «Мададкор-83» зарбдор отрядига бирлашган. Район касалхонасининг «Медик-83», педагогика билим юртининг «Педагог-83», маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг «Гулшан» отрядлари ҳам ёшларга хос куч-ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА

ЧИНОЗ. Калинин райони комсомол-ёшларидан тузилган 12 та зарбдор бригада аъзолари байрамолди меҳнат вахтасида туриб ишлаб, кунлик суръатни оширмоқдалар. Ҳар бир ҳашарчи кунига 40—45 килограммдан ҳосил йиғиштириб бермоқда. Айниқса, Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот институтининг «Шелковод-83», Тошкент гўшт комбинатининг «Передовик-83» отрядлари аъзолари ғайрат кўрсатишяпти.

Кеча Ленин комсомоли туғилган кунга бағишлаб ўтказилган тантанали митингда сўзга чиққанлар ўзлари меҳнат қилаётган К. Маркс номли, «Қизил Октябрь», «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозлари далаларидаги ҳосилни 7 ноябргача тўла йиғиштириб беришга қарор қилганликларини изҳор этдилар.

ОҚ ОЛТИН · ВАТАНГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 28 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)

Бўка	0,80	101,39	0,74	103,10
Коммунистик	1,20	100,26	1,11	104,23
Пискент	1,26	91,04	0,83	64,06
Оққўрғон	1,19	90,29	1,59	84,52
Ўрта Чирчиқ	1,30	88,60	0,79	80,29
Бекобод	1,30	86,80	0,41	58,19
Чиноз	1,18	81,52	1,16	55,94
Ғалаба	1,08	80,83	0,31	65,60
Янгийўл	1,11	71,62	1,20	38,48
Область бўйича:	1,13	88,61	1,78	74,71



БЕРДИҚУЛ Қурбоналиев «Пискент» совхози механизаторлари ўртасида ташкил этилган мусобақада бир неча марта ғолиб чиқди. Кейинги беш кунликларда ҳам ғолибликни қўлдан бермай Эрмак Тўрақўзиев бошлиқ бригада аъзоларининг олқишига сазовор бўлди.

А. Икромов фотоси.

ЧЕҲРАЛАРИДА табассум барқ уриб турган бу дугоналар «Оққўрғон» совхозининг кўпмингкилограммчи чевар теримчилари меҳнат беллашувида актив қатнашиб, мунтазам совринли ўринларни эгалладилар. Бунда уларнинг ўзаро мусобақалашиб меҳнат қилганликлари ўз самарасини берди. Пернегул Абдужабборова билан Гулнора Маматмуродовалар шу кунгача 6 тоннадан «оқ олтин» териб беришди.

П. Эргашев фотоси.

САНОАТИМИЗНИНГ ЗАРБДОР ОДИМИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ САНОАТИДА 1983 ЙИЛ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1983 йилнинг январь—сентябрида саноат ишлаб чиқаришининг янада ривожланиши таъминланди. Маҳсулот жами ҳажми бўйича план бажарилди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,6 процентни ташкил этди.

Меҳнат унумдорлиги 3,1 процент ошди. Саноат ишлаб чиқариши ортишининг 70 проценти меҳнат унумдорлиги ҳисобига таъминланди.

Область шаҳарлари ва районлари бўйича маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши, ишлаб чиқариш ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари қуйидагича бўлди:

	Маҳсулот реализацияси тўққиз ойлик планининг бажарилиш процента	1983 йилнинг тўққиз ойида 1982 йилнинг тўқкиз ойидагига нисбатан процент ҳисобида	
		Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
Шаҳарлар:			
Олмалиқ	100,8	102	101
Ангрен	103	102	101
Оҳангарон	103	104	102
Бекобод	102	105	100,8
Наримонов	102	108	103
Чирчиқ	101	107	106
Янгийўл	102	99,3	98
Районлар:			
Оққўрғон	92	98	96
Оҳангарон	100,2	100,4	93
Бекобод	93	95	96
Бўстонлиқ	102	101	102
Бўка	95	95	94
Ғалаба	97	97	98
Калинин	102	103	104
Коммунистик	96	115	106
Оржоникидзе	103	116	114
Паркент	113	119	115
Пискент	95	77	78
Ўрта Чирчиқ	97	100,0	96
Тошкент	112	112	110
Чиноз	90	97	91
Янгийўл	103	102	103

Муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1983 йилнинг тўқкиз ойида ишлаб чиқарилди	1983 йилнинг тўқкиз ойида 1982 йилнинг тўқкиз ойидагига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	11,1	108
Куч-трансформаторлари — минг киловольт-ампер	5470	102
Брон кабели — минг километр	12,7	97
Компрессорлар — дона	7959	118
Трактор прицеплари — минг дона	27,2	98
Тракторлар — дона	18497	100,6
Трактор культиваторлари — минг дона	16,4	107
Пахта териш машиналари — дона	7611	102
Кўрак чувиш машиналари — дона	2259	103
Электрик кўприк кранлари, махсуслари ҳам ҳисобга киради — дона	1050	100,0
Экскаваторлар — дона	1162	107
Химия асбоб-ускуналари — миллион сўмлик	21,5	98
Қишлоқ хўжалик машиналари — миллион сўмлик	120,8	106
Йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари — минг куб метр	1915,9	103
Иморатбоп ғишт — миллион дона	382,2	98
Пардоз керамика плиталари — минг квадрат метр	1110	113
Шифер — шартли миллион плита	154,9	111
Асбоцемент қувурлари — шартли километр	2396	106
Қоғоз — минг тонна	19,2	103
Мебель — миллион сўмлик	88,3	110
Каноп толаси — минг тонна	25,2	96
Тикувчилик буюмлари (тўла баҳоси бўйича) — миллион сўмлик	92,7	110
Пайпоқлар — минг жуфт	355	122
Ички трикотаж — миллион дона	8,7	102
Устки трикотаж — миллион дона	5,9	108
Чарм пойабзали — миллион жуфт	10,6	102
Гўшт (саноат ишлаб чиқаргани) — минг тонна	47,4	100,5
Колбаса маҳсулотлари — минг тонна	23,6	107
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда — минг тонна	138,8	103
Ўсимлик мойи — минг тонна	25,1	74
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	58,3	103
Консервалар — шартли миллион банка	189,1	99,5

Кўмир қазиб чиқариш, тракторлар, трактор культиваторлари, пахта териш машиналари, экскаваторлар, асбоцемент шифери, керамика плиталари ишлаб чиқариш тўқкиз ойлик плани бажарилди. Кўпчилик халқ истеъмоли товарлари — мебель, устки ва ички трикотаж, гилам буюмлари, пайпоқлар, гўшт, колбаса ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг планда белгиланган ҳажмига эришилди.

Область саноатида фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишлар давом эттирилди.

Янги прогрессив технологик жараёнлар ўзлаштирилди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш амалга оширилди.

Айни вақтда Бинокорлик материаллари, Енгил, Пахта тозалаш, Озиқ-овқат, Гўшт-сут саноати министрликларига қарашли ва айрим бошқа ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулотни истеъмолчиларга тузилган шартномалар ва ижро учун қабул қилинган нарядларга мувофиқ етказиб берилишини тўла таъминламади.

Айрим ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, фойда олиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулоти таннархини камайтириш, маҳсулотни зарур ассортиментда ва сифат билан ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни бажармади. Айрим янги ишга туширилган қувватлар сust ўзлаштирилди ва тўла фойдаланилмади. Брон кабели, олтингугурт кислотаси, кўрак чувиш машиналари, химия асбоб-ускуналари, йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, иморатбоп ғишт, ўсимлик мойи ва мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

АЙТГАНИМИЗ БЎЛАДИ

ЎТТИЗ йилдан буён бригадага бошчилиқ қилиб келяпман. Пахтачилик мураккаб, айни вақтда, завқли касб. Ўтган давр мобайнида қанча қийинчиликлару, қанча қувончли воқеаларнинг гувоҳи бўлдим. Очиғини айтганда, деҳқон чин дилдан ният қилган бўлса, ўз мақсадига эришиш учун ҳар қандай муаммоларни ҳал этади. Шунинг учун ҳам бир неча йиллардан буён 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб пахта етиштириб келмоқдамиз.

Деҳқончиликда бир ердан мунтазам юқори ҳосил олиш учун ҳар йилнинг ўз хусусиятларини ҳисобга олиб меҳнат қилиш керак. Коллективимиз деҳқонлари буни яхши биладилар. Ҳосилдорликнинг доимо юқори бўлиши учун курашадилар. Ҳар ким ўз ишини билиб қилади. Сувчиларимиз Мамат Абдуқодиров, Нисбоҳ Лумонов, Нуфар Баҳром ўғли айни саратон кезлари уйқуларини тарк этиб, меҳнат қилдилар. Механизаторларимиз Алихон Мамедов ва Қидирали Қодировлар теримда ҳам барчага намуна кўрсатиб меҳнат қилишяпти. Хирмонга 100 тоннадан ошириб пахта топширишди.

Баҳор ва ёз бўйи ҳар туп ғўзани ўз фарзандидек парвариш қилган Меҳрибон Ислом қизи, Шакарноз Мамедова, Доногул Қурбонова, Фотима Карамлиева сингари аъзоларимиз бугунги кунда кўпмингкилограммчилар мусобақасида пешқадамлик қилишяпти.

Ишни уюшқоқлик билан ташкил этсак, ҳар бир киши белгиланган нормани бажарса, албатта, кўзланган маррани тезроқ эгаллаймиз. Айтганимиз бўлади, ҳар гектар ердан камида 40 центнердан сифатли хом ашё йиғиштириб оламиз.

ОЙДИН ҲУРШАН ўғли,
Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозининг бригада бошлиғи.

ДЕҲҚОН БИЛАН ЁНМА-ЁН

ЎЗБЕКИСТОН Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикасининг барча меҳнаткашларига Мурожаатидан руҳланган Халқлар дўстлиги орденли Тошкент қишлоқ хўжалик институти студентлари бир неча кундан бери Ғалаба районидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги пахтакорларига амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Факультетлараро ва студентлар ўртасида ташкил этилган социалистик мусобақа кун сайин қизғин тус олиб, терим суръатининг ўсишида муҳим роль ўйнаётир. Б. Азизова, А. Бердиқулов, В. Баратов, К. Қосимов, К. Кулов, А. Пирназаров, С. Абдумуродов сингари студент йигит-қизлар ҳар куни хирмонга 120—130 килограммдан подбор териб тўкиб, меҳнат беллашувининг олдинги сафида бормоқдалар.

Студентлар ётоқхонасида йигит-қизларнинг мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида турли тадбирлар ўтказилмоқда.

— Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари студентлар ўртасида оммавий-сиёсий, тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйганлар, — дейди институт проректори, профессор, пахта штаби бошлиғи З. Умеров, — Деворий газеталар, «Жанговар варақа» ва фотостендларда студентларимизнинг пахтазордаги кундалик ҳаёти ўз ифодасини топаётир. Кечқурунлари эса турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштирилади, савол-жавоб кечалари ўтказилади. Бадиий ҳаваскорлар кенг программада концертлар намойиш этадилар.

Н. САЪДУЛЛАЕВ.

БУГУН—ЛЕНИН КОМСОМОЛИ ТУҒИЛГАН КУН

ЁШ АВЛОД САДОҚАТИ

М. МАҲМУДОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитетининг биринчи секретари

Пойтахт областимизнинг барча ёшлари комсомол туғилган куннинг 65 йиллигини фидокорона меҳнат билан кутиб олмоқдалар. Шу кунларда область комсомол комитетига саноат корхоналари ва қурилишлар, илмий муассасалар, далалар ва фермаларда шу сана шарафига эришилган муваффақиятлар ҳақидаги меҳнат рапортлари кўплаб тушмоқда. Уларнинг ҳар бир сатри ортида комсомолнинг 670 минг кишидан ортиқ отряди вакиллари бўлган йигитлар ва қизларнинг зарбдор ва фидокорона меҳнати ётибди. Уларнинг шиори «Ленинчасига коммунистчасига яшаш, ишлаш, ўқиш ва курашдир!».

Коммунистларнинг намунаси уларни КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май, ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумлари қарорларини қатъийлик ва изчиллик билан амалга ошириш учун курашга ҳар куни даъват этмоқда.

Ўнлаб минг ёш меҳнаткашлар комсомол туғилган кунгача беш йилликнинг учинчи йили топшириқлари бажарилганлиги ҳақида рапортлар беришди. Уларнинг кўпчилиги меҳнат календарида 1984 йил бошланди. Комсомол-ёшлар коллективларининг социалистик мусобақаси пешқадамлари сафида В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» ва Электрон техника заводлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи, Ангрен кўмир разрези ва кўпгина бошқа коллективлар ёшлари бор.

Ўз байрамини муносиб нишонлаш, белгиланган планларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш комсомоллар, барча йигитлар ва қизлар учун энг шарафли ва муқаддас вазифадир. Юзлаб ёш ватанпарварлар ҳар йили қалб амри билан комсомол йўлланмаси бўйича Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларига йўл олмоқдалар. Область комсомол ташкилотининг вакиллари Россия Ноқоратупроқ зонаси областларида, «Атоммаш»да, Тюмень областининг муҳим объектларида муваффақиятли ишлямоқдалар.

Бизнинг областимизда ҳам комсомол-ёшлар коллективлари самарали ишлаётган кўпгина зарбдор объектлар бор. Фақатгина «Электрохимпром» бирлашмаси объектларида 2 мингга яқин киши меҳнат қилмоқда. Ёш ишчилар шу йилнинг ўзидаёқ унинг муҳим участкаларини фойдаланишга топширишлари лозим. Кўпгина бригадаларда меҳнат иштироки коэффициенти жорий қилинган. Бу тадбир ҳар бир бинокорнинг меҳнатини тўғри ҳисобга олиш имконини бермоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андропов москвалик станкосозлар билан бўлган учрашувда бизда ҳар бир киши ўз нормасини, ўзининг ишлаб чиқариш вазифасини бажариши учун барча чораларни кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Янгийўлдаги «Лаззат» кондитер ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол комитетининг иш тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу ерда коллективлардаги меҳнат интизомининг аҳволи мусобақа натижалари якунланаётганида албатта ҳисобга олинади. «Бугунги новатор марраси — эртага комсомол нормаси» шиори остида бошланган ташаббус кенг ёйилган. Фақатгина ўтган йили ёш ишчиларнинг 20 проценти ўз малакаларини оширди. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳоллари 2—3 баравар қисқарди.

Бундай комсомол ташкилотлари ҳар бир шаҳар ва районда бор. Уларнинг тажрибаси кўпгина ёш коллективларнинг мулки бўлиб қолмоқда.

«Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббуси ва ижоди ўн биринчи беш йилликка!» шнори остида бошланган ватанпарварлик ҳаракати областимизда кенг оммалашди. Ҳозир бу ҳаракатда 700 минг нафарга яқин йигит ва қизлар қатнашмоқдалар.

Комсомол-ёшлар куч-ғайрат ва уюшқоқликни бу йилги йиғим-терим қийинчиликларига қарши қўйдилар. Улар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикамизнинг барча меҳнаткашларига Мурожаатини қизғин қўллаб-қувватладилар. Етиштирилган барча «оқ олтин» ҳосилини тез ва ҳеч нобуд қилмасдан йиғиб-териб олишни ўзларининг энг муҳим бурчлари деб тушунган комсомол ва ёшлар шу кунларда пахта далаларида жавлон урмоқдалар.

Область пахтазорларида 152 та комсомол-ёшлар йиғим-терим-транспорт отряди унумли меҳнат намуналарини кўрсатмоқда. Бундай отрядлар сафига 850 дан ортиқ ёш механизаторлар бирлашган. Далаларнинг 1,5 мингдан ортиқ ёш гвардиячилари ўз агрегатлари бункеридан 180—200 тоннадан «оқ олтин» тўкишга аҳд қилишган. Юзлаб комсомол-ёшлар бригадалари ҳар гектар ердан 40—50 центнердан ва ундан ҳам ошириб пахта ҳосили териб олиш учун курашмоқдалар.

Областимиз шаҳарлари ва район марказларидан пахтазор томон отланган 6 мингдан ортиқ комсомол йигит-қиз 575 та зарбдор отрядга бирлашган ҳолда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Ҳар бир терим отряди ўзаро мусобақадошдир. Улар мусобақада эришган муваффақиятларини шонли комсомолнинг 65 йиллик байрамига бағишламоқдалар.

Область комсомол комитетининг зарбдор комсомол-ёшлар отрядлари ишини мувофиқлаштириш бўйича штаби шу кунларда аниқ ишламоқда. Кўпгина қимматли ташаббуслар қўллаб-қувватланди ва кенг ёйиш учун тавсия этилди. Шунингдек, область ёшлар матбуот маркази оператив ишламоқда.

Пахта йиғим-теримида байроқдорлик қилаётган Бўка районининг комсомол-ёшлар коллективлари фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Бу районда областда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш давлат планини бажарди.

Бу районнинг ажойиб механизаторлари ҳақида илиқ сўзлар айтгинг келади. «Ленинизм» колхозидан Облаёр Эргашев шу кунгача 130 тонна пахта терди. Ўрозгул Бакирова эса ўз агрегати бункеридан 150 тонна пахта тўкди. Кимё Жабборова, Лола Ўролова ва Закия Жалилова сингари теримчилар ҳам яхши натижаларга эришдилар. Улар давлат хирмонига 5,5—6 тоннадан пахта тўкишди. Илғорлар мавсум охиригача яна 2 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар.

Коммунистик райони ёш механизаторлари ўртасида «Ленинский путь» колхозининг 205 тонна пахта терган механизатори Абдурашид Усмонов, «Политотдел» колхозининг 195 тонна пахта терган механизатори Шуҳрат Эргашев, «Правда» колхозининг ўз бункеридан 200 тонна пахта тўккан механизатори Абдурашид Курмашев ва 130 тонналик хирмон уйган Алексей Тен каби механизаторлар бошқаларга намуна бўлдилар.

Оққўрғон районида тузилган «Зарбдор» комсомол-ёшлар отрядида 45 нафар комсомол ишламоқда. Ёш пахтакорлар ҳозиргача 110 тонна пахта териб беришди. Улар бу кўрсаткични 150 тоннага етказишга аҳд қилишган. Илғор теримчилардан Рамила Иброҳимова, Аҳмад Юсупов, Нишонбой Ҳанбоев ва бошқалар ҳар куни хирмонга 80—100 килограммдан хом ашё топширмоқдалар. Улар мавсум бошидан бери 4,5 тоннадан пахта теришди. Яна қўшимча 3,5 тонна хом ашё теришга ваъда беришган.

Пискент районидан А. Мўминов бошчилигидаги комсомол-ёшлар отряди яхши натижаларга эришмоқда. Отрядда 90 киши бор. Улар мавсум бошидан бери 207 тонна хом ашё тердилар. Ёш теримчилар хирмонга 400 тонна «оқ олтин» тўкишга қарор қилишган. Ҳозирги вақтда бешинчи тонна ҳосибига пахта тераётган Зоҳида Қосимова ва Дилором Абдураҳмоновалар мусобақа авангардида боришяпти. Механик-ҳайдовчилар орасида комсомол Тоштемир Одилов фидокорона ишламоқда. У ўз агрегати бункеридан тўккан «оқ олтин» 100 тоннага етай деб қолди.

Янгийўл райони пахтазорларида ишлаётган «Автомобилчи» комсомол-ёшлар отрядининг кўрсаткичлари ҳам юксак бўлмоқда. Отрядга бирлашган 70 комсомол 20 тонна пахта терди ва хирмонга яна 20 тонна «оқ олтин» тўкиш учун курашмоқда. Ш. Эшматов, А. Абубакиров ва Н. Мақсудовлар бу отряднинг илғор теримчиларидир. Улар ҳар куни 80—100 килограммдан подбор теришяпти. Мавсум бошидан бери эса 4 тоннадан қимматли хом ашё тўплашди.

Ангрен ва Чирчиқ шаҳарларининг зарбдор комсомол отрядлари Бўка ва Чирчиқ районлари пахтазорларида унумли ишламоқдалар. Энг яхши теримчилар бир неча марта район ва область комсомол комитетларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар.

Комсомол туғилган кунда областимиз ёш чорвадорларининг ажойиб ишлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш ўринлидир. Фақатгина бу йил 200 дан ортиқ йигит ва қизлар «Чорвадор» отрядлари учун область курсларини тугатдилар. 800 дан ортиқ комсомол-ёшлар комсомол йўлланмаси билан чорвачилик фермалари ва комплексларига юборилди. 256 та зарбдор комсомол-ёшлардан иборат емҳашак тайёрлаш отрядлари ажойиб натижаларга эришдилар. Улар юзлаб минг тонна дағал ва хушта м ем-ҳашак тайёрладилар.

Область комсомол комитетининг ташаббуси билан қўшимча комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик коллективлари тузилди. Ҳозирги вақтда бундай коллективлар 340 нафардан ошиб кетди. Улар 119 минг тонна қаҳрабо дон етиштирдилар. Ҳар гектар ердан олинган ўртача ҳосилдорлик 70 центнерни ташкил этди.

Ҳар бир комсомол, ҳар бир йигит ва қиз эришилган ютуқлар билан чекланмаслиги керак. Чунки олдинда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилган куннинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақани авж олдириш лозим.

АДАБИЁТ, САНЪАТ, БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ, ФАН, ТЕХНИКА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА 1983 ЙИЛ УЧУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

ЛАУРЕАТЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

ЛАУРЕАТ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети бюроси комсомол комитетлари, ижодий союзлар, маданият органлари томонидан тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб ҳамда Тошкент области Ленин комсомоли мукофоти бўйича комиссия қарорини шунингдек, комсомоллар, ёшлар, жамоатчилик вакилларидан комиссия номига келган кўпсонли фикр-мулоҳазалар, тавсияларни эътиборга олиб қарор қилади:

1983 йил учун Тошкент области Ленин комсомоли мукофоти қуйидаги номзодларга берилсин:

АДАБИЁТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА БЎЙИЧА

Раҳимбоева Қутлибекага, —шоира, Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти редактори—«Юрагимда қўрғанларим» шеърий тўплами ва кейинги йилларда ёзилган шеърлари учун.

Шурховецкая Людмила Витальевнага, Ўзбекистон телевидениеси ёшлар программасининг катта редактори—«Комсомолнинг шон-шараф ишлари», «Комсомол менинг тақдиримда», «Ёшлар адреси» каби 80-йиллар комсомоллари ва ёшларининг меҳнат муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилувчи туркум телевизион кўрсатувлари учун.

КИНЕМАТОГРАФИЯ, ТЕАТР САНЪАТИ ВА КОНЦЕРТ ИЖРОЧИЛИК ФАОЛИЯТИ УЧУН

Собиров Азамат Тохировичга, К. Ерматов номидаги «Ўзбекфильм» киностудияси мультипликацион фильмлар бирлашмаси режиссёри ва постановкачи рассоми — «Юлдуз эртаклари» мультипликацион фильмини яратганлиги учун.

Мусабоев Хусан Қосимовичга, «Ёш гвардия» республика театри актёри — Совет драматурглари асарлари бўйича саҳналаштирилган спектакларда яратган ранг-баранг образлари ва область дала шийпонларида олиб борган актив агитация-пропаганда ишлари учун.

Носиров Хусан Мансуровичга, самолётсозлар маданият саройи ҳузуридаги «Парвоз» ашула ва рақс халқ ансамблининг концертмейстери, дорачилар халқ ансамблининг раҳбари — бадиий ҳаваскорлик санъатини пропаганда қилганлиги ва Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилишларидаги актив оталиқ ишлари учун.

БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК ИЖОДИЁТИ БЎЙИЧА

Оққўрғон маданият уйининг «Наврўзи ажам» халқ ашула ва рақс ансамблига (раҳбари Р. Эргашев) — қишлоқда ўзбек музика санъатини ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва область бўйича ўтказилаётган маданий-оммавий тадбирлардаги актив иштироки учун.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг «Дўстлик тароналари» халқ ашула ва рақс ансамблига (раҳбари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Х. Нишонов) — ҳаваскорлик ижодиётини ривожлантиришга, қишлоқ ёшларини эстетик руҳда тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун.

Янгийўл район маданият уйининг «Гулбаҳор» вокал-инструментал ансамблига (раҳбари К. Чимирбоев) — совет қўшиқларини пропаганда қилишдаги актив ишлари ва ижтимоий-сиёсий активлиги учун.

* * *

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети бюроси адабиёт, санъат ва бадиий ҳаваскорлик ижодиёти соҳасида Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти бериш бўйича комиссия қарорини эътиборга олган ҳолда Қори Ёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси «Гўзал» ансамбли солисти М. Йўлчиеванинг ўзбек классик қўшиқларини пропаганда қилишдаги хизматларини, юксак ижрочилик маҳоратини, шунингдек, Чирчиқдаги «Обувщчик» клубининг «Хайтарма» халқ рақс ансамблининг (раҳбари Х. Куртаматова) СССР халқлари музика санъатини пропаганда қилишдаги хизматларини, юксак ижрочилик маҳоратини ва ёшларни интернационал руҳда тарбиялашда қўшаётган ҳиссасини таъкидлаб, улар номзодини Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига тақдим этишга қарор қилди.

ФАН ВА ТЕХНИКА БЎЙИЧА

ЛАУРЕАТ

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети бюроси ёш олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, инженерлар, аспирантлар, ўқитувчилар, олий ўқув юрти студентлари ишини кўриб чиқиб ҳамда Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти бўйича комиссия қарорини, шунингдек, комсомоллар, ёшлар, жамоатчилик вакиллари, илмий муассасалар ва саноат корхоналаридан комиссия номига келган кўпсонли фикр-мулоҳазалар, тавсиялар, тақризларни эътиборга олиб қарор қилади:

Фан бўйича 1983 йил учун Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти қуйидагиларга берилсин:

ФАН БЎЙИЧА

Ешмуротов Болтабойга,—Мометалоқ вақтини аниқлашда спектрофотометрик ва хроматографик анализдан фойдаланиш имкониятлари бўйича тадқиқотлари учун.

Тошкент Давлат Медицина институти томонидан тақдим этилган.

А. Омиловга, А. Абакумовга, Р. Раҳмоновга — нефть ва газ конларини бевосита қидириш бўйича разрезлар моделини қуришда географик белгиларни изоҳлаш методикасини яратганликлари учун.

Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси институти томонидан тақдим этилган.

Техника бўйича 1983 йил Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти қуйидагиларга берилсин:

ТЕХНИКА БЎЙИЧА

У. Х. Зупарова, С. А. Абдураҳимовга, И. Ш. Орифига, **Б. С. Мақсудхўжаевга** — Озиқ-овқат программасини амалга ошириш бўйича агросаноат комплекслари доирасида чигитни қайта ишлаш саноатининг юксак самарали автоматлашган технологик схемасини такомиллаштириш, оптималлаштириш ва яратишдаги ишлари учун.

Беруний номидаги Тошкент политехника институти томонидан тақдим этилган.

Н. Б. Фозиловга — шоли полларига экиш олдидан ишлов бериш ва шоли экиш технологияси ҳамда машиналар комплексини яратганлиги учун.

САИМЭ томонидан тақдим этилган.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети бюроси ёш ишчилар ва қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ишини кўриб чиқиб, ҳамда Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти бўйича комиссия қарорини эътиборга олиб қарор қилади:

Ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги бўйича 1983 йил Тошкент области Ленин комсомоли мукофоти қуйидаги номзодларга берилсин.

Ғоипов Бозорбойга, **Холмирзаев** Эркинга, Ўзбекистон шаҳарсозлик илмий тадқиқот лойиҳалаш институти архитекторлари — Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ёшлар интернационал дўстлик клубини жиҳозлаш бўйича лойиҳалари учун.

Каримова Мукаррамга, 2-пойабзал фабрикаси 3-цехи тайёрловчиси — Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган юксак кўрсаткичлари, план топшириқларини муддатидан олдин адо этганлиги учун.

Зуфаров Асадуллага, Тошкент районидаги Ленин номли колхоз комсомол-ёшлар сабзавотчилик бригадаси бошлиғи — сабзавот ва мева тайёрлаш ҳамда давлатга сотишда эришган юксак муваффақиятлари учун.

Зияев Абдумаликга, **Эргашева** Мукамбарга, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози аъзолари — меҳнатда эришган юксак кўрсаткичлари учун.

Тошкент область Ленин комсомоли мукофоти бўйича комиссия тақдим этилган номзодлар ва коллективлар ишини муҳокама қилишда актив иштирок этган корхоналар, муассасалар, ижодий ва жамоатчилик ташкилотларига, барча кишиларга ўз миннатдорчилигини билдиради, уларга янги ижодий муваффақиятлар тилайди.

35, 5 МИЛЛИОН ТОННА ЮК ТАШИДИК

Трестимиз Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг йирик бўлинмаларидан биридир. Унинг таркибида 14 автокорхона бор. Ҳозирги кунда автокорхоналаримизда 5300 нафар ҳайдовчи, ремонт ишчиси ва инженер-техник ходим меҳнат қилмоқда. Коллективимиз йил сайин ишлаб чиқаришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Бу йил ҳам ишчиларимиз ўзларининг анъанавий байрамларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида деярли 35,5 миллион тонна халқ хўжалик юклари белгиланган манзилларга етказиб берилди. Бу билан план 101,5 процент қилиб адо этилди. Юк обороти планининг бажарилиши 100,7 процентни тащкил этди.

Бундай муваффақиятларга қандай қилиб эришилди? Йиллик план ва мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани ташкил этиш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатини йўлга қўйиш, юк ташишнинг прогрессив усулларини, янги техника ва илғор тажрибани ишлаб чиқаришга жорий этиш ютуқларимиз омили бўлмоқда.

Трестимиз автокорхоналарининг коллективлари ёнилғи-энергетика, моддий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-терган фойдаланиш ҳаракатини қизитиб юбордилар. Иқтисод ва тежамкорлик юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилиши эвазига кўплаб материаллар тежаб қолинди. Жумладан шу йилнинг ўтган ойларида 524 тонна бензин, 192 тонна дизель ёнилғиси иқтисод қилинди.

Трест ҳайдовчиларидан 30 киши ўн биринчи беш йиллиқда икки беш йиллик планни бажариш юзасидан бошланган ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Шулардан 22 нафардан ортиқ шофер ҳозирнинг ўзидаёқ планини бажаришга муваффақ бўлди. Зафардаги 45-автокорхонадан Бобожон Қоплонов, Амет Аппазов, Мемет Асанов, Оққўрғондаги 81-автокорхонадан Николай Тимофеевич Суслов, Бўкадаги 122-автокорхонадан Абдулла Умаров, Бўстонлиқдаги 125-автокорхонадан Раҳматулла Аҳмедов, Янгийўлдаги 2503-автокорхонадан Асхат Сагутдинов ва бошқалар шундай рапортга имзо чеккан машъалалардир.

Илғор ва самарали иш усули — бригада пудратини кенг жорий этиш муваффақиятларимизнинг яна бир гарови бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли биз бу муҳим масалага доим катта эътибор бериб келмоқдамиз. Бу усул ҳақиқатда давлат плани, мажбуриятларнинг бажарилишига ёрдам бермоқда.

ЭРТАГА — АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Бекободдаги 16-автокорхонадан Ҳабибулла Абдужабборов бошчилик қилган ҳайдовчилар бригадаси республика Автомобиль транспорти министрлиги системасида бригада пудрати усулига ўтиб ишлаш ташаббусини бошлаб берди. Бригада ҳайдовчилари 1974 йилда Бекобод норуда материаллари заводига порфирит ва бошқа хом ашёни узлуксиз етказиб бериш тўғрисида пудрат — шартнома туздилар. Мана тўққиз йилдирки, бригада коллективи заводнинг узлуксиз, бир маромда ишлашини таъминлаб келмоқда.

1974 йилда янги усул бўйича бор-йўғи 8 та бригада ишларди, холос. Улар трест бўйича ташилган жами юкнинг 12,5 процентини манзилларига етказиб беришар эди. 1982 йилга келиб трест автокорхоналарида бундай бригадаларнинг сони 42 тага етди. Улар томонидан ташилган юк ҳажми 44,9 процентни ташкил этди. Самарали усулга ўтиб ишлаётган бригадалар юк ташиш ҳажми, парктан фойдаланиш коэффициенти планларининг бажарилишини, ёнилғи, эҳтиёт қисм ва автошиналарнинг кўплаб тежаб қолинишини таъминламоқдалар.

Ленин, Октябрь Революцияси ва Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери Ҳабибулла Абдужабборов, Меҳнат Қизил Байроқ ва Халқлар Дўстлиги орденлари кавалери, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган транспорт ходими Николай Ким бошчилик қилган бригадалар энг яхши пудрат бригадалари сифатида республикага танилди.

Ҳозирги кунда кўп юк кўтарадиган автопоездлардан фойдаланиш кун тартибидаги асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Трестимиз бўйича 20 тоннадан 45 тоннага қадар юк ортадиган 20 дан ортиқ автопоезд самарали ишлатилмоқда.

Трестимиз коллективининг 1982 йилдаги зарбдор меҳнати партия ва ҳукумат томонидан юксак баҳоланди: Бутуниттифоқ социалистик мусобақа якунлари бўйича трестимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

Республикамиз меҳнаткашлари улкан «оқ олтин» хирмони учун курашаётган ҳозирги долзарб кунларда трестимиз автомобилчилари ҳам бу муҳим ишдан четда қолганлари йўқ. Шу кунларда пахта ташишга мўлжалланган 140 та автопоезд «оқ олтин»ни бевосита даланинг ўзидан тайёрлов пунктларига ва пахта тозалаш заводларига ташишда ишламоқда. Ўтган тўққиз ой мобайнида улар ёрдамида пландаги 230 минг тонна ўрнига 230,9 минг тонна хом ашё ташилди.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида трест бўйича пландан ташқари 533,1 минг тонна юк ташилди, қариб 3 миллион тонна-километр иш бажарилди. Йил охиригача пландан ташқари 600 минг тоннадан зиёд турли халқ хўжалик юклари белгиланган манзилга етказиб берилади.

А. АЗИМОВ,
область юк ташиш-автомобиль ишлаб чиқариш трести бошқарувчисининг ўринбосари.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР КЕНГ ОММАЛАШСИН

Зуҳур Юсуповни колхозда эмас, районда ҳам барча танийди. Ў илғор бригада бошлиғи, актив коммунист. Ленин ва Октябрь революцияси орденлари кавалери, Зуҳур ака колхоз партия ташкилотининг ҳисобот-сайлов йиғилиши олдидан ўз коллективи бажарган ишларини яна бир бор сарҳисоб қилиб чиқди. Кейин йиғилишда сўзга чиқиб, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш бўйича тўпланган тажрибалари билан ўртоқлашди.

Бригада аъзолари беш йилликнинг учинчи йилида ҳар гектар майдондан 250 центнердан картошка, 400 центнердан ошириб сабзавот ҳосили йиғиштириб олдилар. Айни пайтда улар келгуси йил мўл ҳосилига ҳам пухта замин яратмоқдалар. Ҳозироқ 40 тонна картошка уруғи тайёрлаб қўйилди, 7 гектар ерга август пиёзи экилди. Бошқа майдонларда ҳам кузги тадбирлар сифатли бажарилмоқда.

Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозида бундай тажрибакор, ишбилармон деҳқонлар оз эмас. Улар ҳиссаси билан олдинги йилларда бўлгани сингари бу йил ҳам хўжалик сабзавот, картошка, мева етиштиришда янги зафарларга эришди. Белгиланган план анча барвақт ортиғи билан адо этилди.

Колхоз чорвадорлари эришаётган ютуқлар ҳам қувончли бўляпти. Гўшт, сут, тухум сотиш планлари муваффақиятли бажарилди.

Коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган колхоз партия ташкилоти секретари Ё. Камолов, музокарада сўзга чиққан колхоз раиси Қ. Умаров, цех партия ташкилоти секретари А. Азизов, ферма цех партия ташкилоти секретари Ф. Абдиев, илғор сут соғувчи М. Турлибекова ва бошқа ўртоқлар Озиқ-овқат программасини бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилдилар. Асосий эътиборни илғор тажрибаларни оммалаштиришга, нуқсонларни бартараф этишга, ички резерв ва имкониятлардан яна ҳам тўлароқ фойдаланишга қаратдилар.

Коммунистлардан Т. Отахожиев, У. Мўминов, З. Юсупов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ҳисобот даврида барча топшириқларни ортиғи билан адо этиб, эл ҳурматига сазовор бўлдилар. Айни пайтда А. Асқаров, А. Эгамбердиев каби ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик кўтарилиш ўрнига тобора пасаймоқда. Бу бригада бошлиқлари ўз зиммаларидаги вазифага масъулият билан қарамаганликлари, ҳисоб-китобсиз иш юритаётганликлари учун ҳам шундай кўнгилсиз ҳоллар келиб чиқмоқда. Қолоқ бригадаларда энг аввало экин экиш планларини ўз вақтида бажаришга эътибор берилмаяпти, агротехника қоидалари бузиляпти. Экинларни тўғри жойлаштириш, механизациядан кенг фойдаланиш ҳам эътибордан четда қоляпти. Шу боисдан ҳам ҳосилдорлик пасайиб бормоқда.

Қолоқ бригада раҳбарлари қўшни карталарда меҳнат қилаётган илғор коллективлар тажрибасини қўллаш устида кам қайғурмоқдалар. Агрономлар ҳам бу масала билан жиддийроқ шуғулланмаяптилар.

Колхозда коллектив пудрати ҳам суст жорий этиляпти. Ҳозир бу ерда ишлаб турган 12 та бригададан атиги тўрттасида нарядсиз асосда ҳақ тўлаш йўлга қўйилган. Пудрат усулида ишлаётган коллективларда унумдорлик юқори бўлаётганлигини ҳамма кўриб, сезиб турибди. Лекин негадир илғорларга эргашишга, улар қўллаган усулга амал қилишга кўпчилик шошилмаяпти. Пудрат усулида ишлаётган коллективлар ҳиссаси билан бу йил колхоз бўйича ҳар гектар майдондан ўртача 220 центнердан картошка, 400 центнердан сабзавот ҳосили йиғиштириб олинди. Айни пайтда оддий усулда ишлаётган коллективларда картошка ҳосилдорлиги 170 центнер, сабзавот ҳосилдорлиги эса 350 центнердан ошмади.

Колхоз партия ташкилоти ҳисобида ҳозир 111 коммунист бор. Улар 9 та цех партия ташкилотига уюшган. Бу катта кучдир. Колхоз партия ташкилоти коммунистларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш, туғилаётган ташаббусларни кенг оммалаштиришга ҳаракат қилаяпти. Бундан буён ҳам у коллектив зиммасидаги вазифани бажариш ҳар бир коммунист, ҳар бир колхозчи учун муқаддас бурч эканлигини оммага ҳис қилдира олиши лозим бўлади.

Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активлигини оширишда касаба союз, комсомол ташкилотлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари керак. Хўжаликда ташкил қилинган социалистик мусобақа самарадорлигини оширишда, туғилаётган илғор тажрибаларни оммалаштиришда жамоат ташкилотлари партия ташкилотига яқиндан ёрдам бериши лозим. Лекин ҳозирча бу соҳада олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас.

Йиғилишда жамоат чорвачилигини ривожлантириш Озиқ-овқат программасини бажаришнинг муҳим шарти эканлиги алоҳида уқтирилди. Колхозда илғор чорвадорлар сафи кейинги йилларда кенгайди. Илғор сут соғувчи Бўронгул Жонбўснова ўз боқимидаги 18 бош сигирнинг ҳар биридан 4300 килограммга етказиб сут соғиб олмоқда. Лекин унинг тажрибасини оммалаштириш устида ферма цех партия ташкилоти кам қайғуряпти. Кўпгина сигирларнинг маҳсулдорлиги ҳамон пастлигича қолмоқда. Сут соғувчиларнинг фақат ярми ўз қарамоғидаги сигирлардан 4 минг килограммдан сут соғиб олаяпти. Бошқа соғувчиларнинг кўрсаткичлари эса 3750 килограммдан ошмаяпти. Бу ҳатто районнинг ўртача кўрсаткичидан ҳам анча пастдир. Ферма цех партия ташкилоти, чорвадор коммунистлар ўз участкаларида ишни намунали ташкил этиш, сут, гўшт етиштиришни янада кўпайтириш учун бор имкониятларини тўлароқ ишга солишлари лозим.

Сўзга чиққан коммунистлар КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида идеологик, оммавий сиёсий ишларни янада кучайтириш зарурлигини алоҳида уқтирдилар. Ҳозир колхозчилар ўртасида 11 сиёсий ахборотчи, 22 агитатор, 4 пропагандист, 5 штатсиз лектор катта сиёсий-тарбиявий ишлар олиб бормоқда. Мавжуд 10 та дала шийпонининг кўпчилиги намунали жиҳозланган. Колхоз партия ташкилоти идеология ишларини кучайтириш мақсадида мактаб ўқитувчиларидан ҳам унумли фойдаланиш чораларини кўраяпти.

Кейинги йилларда сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасида олиб борилаётган ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда ҳам маълум ютуқлар қўлга киритилди. Ҳозир иқтисодий ўқув машғулотларига 112 нафар колхозчи жалб этилган. Ғ. Субхонбеков, М. Умаров, Н. Ҳалиулина каби пропагандистлар машғулотларни қизиқарли ва таъсирчан қилиб ўтказиш устида алоҳида қайғурмоқдалар.

Лекин колхозларда олиб борилаётган идеологик ва оммавий-сиёсий ишларни янада кучайтиришнинг бой имкониятлари бор. Сиёсий ишларга ҳар бир коммунистни актив жалб этиш мумкин. Ҳозирча колхоз партия ташкилоти олиб бораётган ишларда коммунистлар иштироки сезилмаяпти. Бундан ташқари ўқув машғулотлари самарадорлигини ошириш соҳасида ҳам бор имкониятлар тўла ишга солинмаяпти. Машғулотлар маҳаллий фактлар асосида ташкил этилмайди, кўргазмали қуроллар ёрдамида ўтказилмайди. Машғулотларда коммунистлар ва партиясиз активларнинг активлиги сустдир.

Коммунистлар ҳисобот докладини танқидий кўз билан муҳокама қилиб, галдаги вазифаларни аниқ белгилаб олдилар. Партия комитетининг янги сайланган состави коммунистлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, уларни тезроқ амалга ошириш чораларини кўриши керак.

Колхоз коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

Ж. НОСИРОВ,
А. ХАТАМОВ.

ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК НАМУНАСИ

КОММУНИСТИК РАЙОНИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕҲНАТКАШЛАРИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ ТЕЗРОҚ БАЖАРИШ УЧУН БАРЧА КУЧ ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛМОҚДАЛАР

«Политотдел» колхозининг механизатори Ш. Эргашев мавсумда 200 тонна «оқ олтин» териб бериш юзасидан олган мажбуриятини ёруғ юз билан бажарди.

В. Портнов фотоси.

ТЕРИМ: МЕХАНИЗАЦИЯ, ТАЖРИБА, МАҲОРАТ

РАЙКОМ дарвозасига яқинлашишингиз билан далалардаги ҳаёт кўзингизга яққол кўрингандек бўлади. Пахта йиғим-теримига бағишланган стендлар, плакатлар, ахборотлар, мусобақа ғолиби шарафига кўтарилган қизил байроқ... ҳамма-ҳаммаси пахтазордаги жўшқин меҳнат нафасини ўзида акс эттириб турибди.

Бундан бирнеча кун илгариги «Йиғим-терим мавсуми Ахбороти»нинг 5-сони «Ғалаба билан, азиз политотделликлар!» деган сарлавҳа билан бошланади. «Ахборот»да шундай дейилган: «Политотдел» колхози меҳнаткашлари районда биринчи бўлиб, 1983 йил 13 октябрда давлатга пахта сотиш юзасидан халқ хўжалик планини бажардилар. Тайёрлов пунктига 5450 тонна «оқ олтин» топширилди, ҳозиргача ҳар гектар экин майдонидан 36,3 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан колхоз пахтакорлари давлатга яна 1305 тонна пахта сотишга, ҳосилдорликни 45 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

«Политотдел» колхози пахтакорларига шон-шарафлар!».

Коммунистик район матбуот марказининг бундай ахборотларининг кейинги сони районда иккинчи бўлиб планни бажарган «Ленинский путь» колхози азаматларига бағишланди.

Ўша, 27 октябрь куни райондаги йирик хўжаликлардан бири — «Правда» колхозида бўлдик. Колхоз бош агрономи Лев Васильевич Кимни далада учратдик.

— Ҳормангла, марра яқинлашиб қолдими, энди?

— Раҳмат!.. Мана бугун рапорт бермоқчимиз,— дейди Лев Васильевич равон ўзбек тилида чиройли талаффуз билан.— Бугун эл хирмонига тўккан пахтамиз пландагидан — 6 минг 10 тоннадан ошиб кетди. 1710 гектар пахтазорнинг ҳар гектаридан 35,2 центнердан ҳосил кўтардик. Мажбуриятимиз — 40 центнер!

Колхоз далаларида 1470 колхозчи, 1484 ўқувчи меҳнат қиляпти.

— Машиналар ўз ишини қойил қилиб бўлди,— дейди бош агроном,— ҳозир уларни «дам олиш»га жўнатдик. Жами ҳосилнинг 95 процентини — 5 минг 450 тоннаси «зангори кема»лар билан йиғиштириб олинди. 50 та агрегат унумли ишлади, бундан бир ҳафта олдин машина терими планини бажардик.

Ҳозир хўжалик пайкалларида мажбурият учун кураш авж олмоқда. Юқорида эслатилган теримчилардан ташқари ҳар куни пойтахтнинг Ҳамза районидан 650 киши, Коммунистик район ташкилотларидан 500 киши ҳашарга чиқяпти. Улар орасида Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг теримчилари энг юқори кўрсаткичга эришиб, бошқаларга намуна бўлишмоқда. Бирлашманинг 170—200 ҳашарчиси колхоз далаларида астойдил меҳнат қиляпти.

Пахтанинг толаси ҳам — пахта! Ҳашарчилар ана шу тола-пахталарнинг сўнгги граммигача нобуд қилмай йиғиштириб олишда жон қуйдиришяпти.

Хўжаликдаги асосий ҳосил эса машиналар билан йиғиштириб олинди. Бунда илғор механизаторлар Алексей Тен, Андрей Цой, Алик Ниёзбоев, Болтабой Мусурмонқулов, Мамажон Ўринбоевларнинг ҳиссаси салмоқли бўлди. Уларнинг ҳар бири эл хирмонига 120—130 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар. Жами 50 та пахта териш машинасининг ҳар бири ҳисобига ўртача 100 тоннадан ортиқ пахта тўғри келди.

Бригадаларо социалистик мусобақада Одил Икромов бошлиқ коллектив карвонбошилик қиляпти. Улар хўжаликда биринчи бўлиб зиммадаги планни 14 октябрда бажаришди. 105 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42,5 центнердан ҳосил кўтаришди. Бу, пландагидан 7 центнер кўпдир. Шунингдек, Ўскенбой Ўтелов, Гулмат Муродов бошлиқ бригадаларнинг азаматлари ҳам планларини муддатидан илгари бажариб, ҳосилдорликни 40 центнердан оширдилар.

Колхоз коллективи терим давомида бир марта область қишлоқ хўжалик Бошқармаси ва область касаба союзлари Советининг Кўчма қизил Байроғини, икки марта район кўчма Қизил байроғини олишга муваффақ бўлди.

— Пахтакор учун енгил йилнинг ўзи бўлмаган,—дейди колхоз раиси Азизбек Нишонбоев,— бу йил ҳам умуман ёмон келмади. Фақат икки марта об-ҳаво бизга панд берди. Биринчиси— чигит экилгач, узоқ муддат ёмғир бўлмади. Бир ойга яқин муддат ердан чигит униб чиқмагач, очиғи, ваҳимага тушганлар ҳам бўлди. Ёмғир ўрнини босиш учун чигитни суғордик. Биз сувни тўппа-тўғри Чирчиқ дарёсидан оламиз — муздай сув чигитга унчаям ёқмайди... Амаллаб чигитни ундириб олганимиздан сўнг об-ҳаво саҳийлик қилди-қуёш ҳароратини аямади. Ғўза ривожидаги 10—15 кунлик қолоқлик саҳий қуёш ҳарорати ҳисобидан етказиб олинди.

Иккинчи панд — қуёшнинг ҳаддан ортиқ саҳийлиги бўлди — июлнинг охири ва августнинг бошидаги учтўрт кунлик жазирама ҳосил нишоналарининг бир қисмини тўкиб юборди...

Пахтакор деҳқонлар энди табиатдан нолишмаяпти. Кузнинг саҳийлиги ҳаммани мамнун этяпти: бу йилгидек ёғинсиз, серқуёш куз кунлари кам бўлади... Вақт ғанимат, ҳар бир кун, ҳар бир ёғинсиз соат ғанимат, дақиқалар ғанимат. Бугунги очиқ чеҳрали бир кунни ёғингарчиликдаги ўн кун билан ҳам қоплаб бўлмайди. Буни яхши тушунган деҳқонлар, ҳашарчилар оқ юзини кўрсатган ҳосил борки ҳаммасини тезроқ йиғиштириб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

«Правда» колхозининг жами 22 та бригадасидан учтаси — Паркент райони чегарасида жойлашган бригадалар бор-йўғи 6—7 центнердан ҳосил кўтаришди. Нега? Бу бригадаларнинг экини асосан Паркент райони территориясидаги булоқлардан йиғилиб келадиган

ЖУРНАЛИСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

сувни «истеъмол» қилади. Кейинги йилларда каналлар қазилиши ва насослар билан у сувни тортиб олиш натижасида ўша булоқлар сувижаскесин камайиб, аввалги манзилига етиб келолмай қолди... Бироқ, бу бригадаларнинг коллективлари тушкунликка тушимаяпти — бу ерларнинг истиқболи порлоқ: янги Паркент канали яқинлашиб келмоқда — бир дарё сув!

Шу қийинчиликларга қарамай, хўжалик коллективи каноп ва пахтадан 10,5 миллион сўмлик даромад қилди. Бу, ўтган йилдагига нисбатан 500 минг сўм кўпдир...

Район хўжаликлари биринкетин зафар маррасини забт этяпти.

Ҳозир районда минглаб колхозчи ва ҳашарчилар ҳар куни 400 тоннадан ортиқ «оқ олтин» териб хирмонга тўкишяпти. Район социал таъминот бўлими, район қишлоқ хўжалиқ техникаси бирлашмаси, пахта титиш фабрикаси, область физиотерапия касалхонаси ходимлари астойдил жон куйдириб ишлаб, ҳар куни ўртача 40—50 килограммдан пахта термоқдалар.

Кунлик суръат бўйича Карл Маркс номли колхоз пешқадам. Улар 26 октябрь куни йиллиқ планга нисбатан 2,54 процент миқдорида пахта топширдилар!

«Политотдел» колхозидан Гим Нен Ким, Константин Ким, Искандар Хўжакаев бошлиқ бригадаларнинг моҳир заршунослари зиммаларидаги сооциалистик мажбуриятларини ҳам бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Улар ҳосилдорликни 45—47 центнерга етказишди!

Сўнгги граммларни йиғиб-териб олишда, ишни тўғри ва самарали ташкил этишда илғор хўжаликларнинг тажрибаси бошқалар учун қўл келмоқда. Бу ўринда «Ленинский путь» колхозида, айниқса, ибратли ишлар қилинди. Хўжалик коллективи давлатга пахта сотиш йиллик планини районда иккинчи бўлиб, 22 октябрда бажарган эди. Улар тайёрлов пунктига 4 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» етказиб беришди. План бажарилган куни ҳосилдорлик гектаридан 35,4 центнерни ташкил этди. Улуг Октябрь социалистик революциясининг 66 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилган хўжалик пахтакорлари мавсум охиригача пландагига қўшимча 568 тонна «оқ олтин»ни топширишга, ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга ваъда бердилар.

Хўжалик муваффақиятига Валентин Тен, Андрей Ли бошлиқ бригадаларнинг азаматлари салмоқли ҳисса қўшишди.

Колхозда машина терими плани 110 процент бажарилди. Механизаторлар Абдурашид Усмонов ва Закария Бурхоновларнинг ҳар бири 210 тоннадан «оқ олтин» териб, ҳамкасблари ўртасидаги меҳнат беллашувида қарвонбоши бўлдилар. Жўрабек Туртоев, Бахтиёр Қурбонов каби механизаторлар ҳам юқори кўрсаткичларни қўлга киритишди.

Машина теримини яхши ташкил этиш бўйича бу хўжалик районда ном чиқарган.

— Бунинг боиси, албатта, илғор тажриба. Ана шу ҳақда гапириб берсангиз?

— Бу саволга икки оғиз сўз билан жавоб берадиган бўлсак, — дейди колхоз партия комитетининг секретари Абдуқодир Қоржовов, — ҳар кимнинг, хусусан механизаторларнинг ўз ишига сидқидилдан муносабатда бўлишидир. Ўз вазифасига, ўз ишига сидқидил ёндошиш деганда ҳалол меҳнатни ҳам, интизомни ҳам, тежамкорликни ҳам, тажриба ва маҳоратни тўла ишга солишни ҳам тушунамиз. Энг асосийси — техникага, терим агрегатларига меҳр-муҳаббат билан қараш, уларни ҳамиша ишга шай ҳолда сақлаш, терим мавсуми олдидан шунчаки кўрикдан ўтказиш эмас, балки ҳар бир қисм ва деталларини кўздан кечириб, зарур бўлса янгилаш ёки ремонт қилиш. Хуллас, ҳар бир механизатор ўз машинасини терим мавсуми охиригача чидаб берадиган, йўлакай ремонталаб бўлиб қолмаслигига кўзи етадиган даражада тайёрлаб қўйиши керак. Бизнинг механизаторларимиз ишга худди шундай ёндошади ва бу нарса сиз сўраган «тажриба»нинг асосий бандини ташкил этади.

Ирмоқлардан дарёлар ҳосил бўлганидек, илғор хўжаликларнинг тажрибаси йиғилиб район муваффақиятини таъминлади: Коммунистик райони республикада биринчи бўлиб машина терими планини бажарди! «Зангори кема»лар ёрдамида 23 минг 100 тонна ҳосил териб олинди. Бўка районидан кейин иккинчи бўлиб зафар маррасига етиб келди — план бажарилди. Биринчи довон забт этилди. Навбат иккинчи довон — 30 минг тонналик мажбуриятга.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧ

МЕҲНАТ Қизил Байроқ орденли колхозимиз аъзолари ўн биринчи беш йилликнинг марказий йили бўлган учинчи йилини ҳамма соҳаларда юксак меҳнат ғалабалари билан якунлашга қатъий аҳд қилган эдилар. Деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз берган сўзларига яраша фидокорона меҳнат қилишяпти. Лабзи ҳалол пахтакорларимиз эса ўз ваъдаларига вафо қилдилар. Бу йилги шароитнинг нақадар оғир бўлишига қарамай, деҳқонларимиз далаларда тадбиркорлик билан меҳнат қилиб, ҳамма карталарда мўлжалдагидан ҳам мўл «оқ олтин» ҳосили етиштиришга эришдилар. Йиғим терим ишлари ҳам уюшқоқлик билан давом эттирилиб пахта тайёрлаш йиллик халқ хўжалик плани районда биринчи бўлиб адо этилди.

Ҳар қандай ютуқ ўз-ўзидан келмайди. Фақат меҳнатни оқилона ташкил этиш, юксак интизом ҳамда бир маромда юксак унум билан ишлаш орқалигина кўзланган маррани эгаллаш мумкин. Шу ўринда социалистик мусобақанинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш зарурдир.

Колхозимизнинг ҳар бир аъзоси қайси соҳада ишлашидан қатъий назар социалистик мусобақанинг у ёки бу формасида қатнашади. Меҳнат беллашуви оммавий тус олдиришлигини учун ҳам мавжуд ички резерв ва имкониятлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга эришмоқдамиз. Мусобақага ҳар беш кунда якун чиқарилиб ғолиблар тантанали равишда рағбатлантириб борилади. Бизда меҳнат беллашувининг ҳамма формасига якун ясашда асосий шартлар ҳисобланувчи маҳсулотнинг сифати, ҳамма ресурслардан тежаб-тергаб ва самарали фойдаланиш, онгли интизом ва меҳнатга ижодий муносабат каби факторлар биринчи галда ҳисобга олинади.

Ўзаро ҳамкорликка асосланган социалистик мусобақа колхозимизда ўнлаб ажойиб пахта усталари, моҳир чорвадорларни тарбиялаб етиштириш имконини берди. Ҳозир колхозимизда 1700 киши коммунистик меҳнат зарбдори деган шарафли номга эгадир.

Районимиз меҳнаткашлари қувончли дамларни бошидан кечираётган ҳозирги кунларда фақат хўжалигимизнинггина эмас, балки бутун район меҳнаткашлари ютуғига муносиб улуш қўшган пахтакорларимиз номини ҳурмат билан тилга оламиз. Ўсмон Турсунбоев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари социалистик мусобақа байроғини баланд кўтариб, пахта тайёрлаш йиллик планини районда биринчи бўлиб 3 октябрдаёқ адо этдилар. Абдумўмин Турғунбоев етакчилигидаги бригада пахтакорлари ҳам улардан қолишмаяптилар. Йиллик планни барвақт бажарган В. Тян, К. Ким, В. Цой, С. Хван, П. Тен, А. Қурмашев, И. Тё, И. Хўжакаевлар раҳбарлик қилаётган бригада коллективлари ҳозирги кунда ҳам йиғим-теримни сусайтирмай давом эттиряптилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, пахта йиғим-теримини ҳар томонлама пухта ташкил этмай, шонли дала гвардиячиларининг ғайратшижоатига таянмай туриб, юксак пировард натижага эришиш мумкин эмас.

Бинобарин, бизнинг бу йилги катта ютуғимизда жонқуяр механизаторларимизнинг ҳам катта улушлари бор. Улар ҳосил айни пишиб етилган пайтда терим агрегатлари қувватидан тўла ва самарали фойдаланиш учун бутун чоралари кўрдилар. Смена нормасини 1,5—2 ҳисса бажармагунча пахтазорни тарк этмадилар. Ана шундай механизаторларимиздан Ш. Эргашев, А. Қурмашев, А. Хван, Б. Ким, А. Ким ва бошқалар ўз машиналари билан 150—170 тоннадан «оқ олтин» териб колхозимиз хирмонига барака киритдилар.

Пахтакорларнинг меҳнат активлигини оширишда коллектив пудратининг жорий этилганлиги муҳим роль ўйнади. Бугунги кунда хўжалигимиздаги мавжуд 20 та пахтачилик бригадасининг ҳаммаси нарядсиз система асосида ишламоқда. Бу усулнинг нақадар юксак самаралар беришини амалда кўриб турибмиз.

Лабзи ҳалол пахтакорларимиз бугунги кунгача йиллик планга нисбатан 115 процент миқдорида «оқ олтин» тайёрладилар. Лекин биз бу билан қаноатланиб қолмаймиз. Мавжуд имкониятлари ҳисобга олиб, ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш юзасидан оширилган социалистик мажбурият қабул қилганмиз. Бизнинг шиоримиз — етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммигача неснобуд қилмасдан йиғиштириб олиб, эл хирмонига тўкишдир. Одатдагидек коммунистларимиз ва комсомолларимиз ана шу курашнинг олдинги сафларида бормоқдалар. Ҳеч шубҳа йўқ-ки, 45 центнерлик марра ҳам яқин кунларда забт этилади.

В. ПАК,
Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Политотдел» колхози партия комитетининг секретари.

Коммунистик, аҳдинг ўринлатдинг сен,
Табаррук заминда тоғ ўрнатдинг сен,
Сен она днёрда ғолиб пахтакор,
Жасорат азмингни қутлайди днёр.
Шараф зарвараги чексиз пахтазор,
Кумуш уфқлардан ошар ҳудуди,
Ҳар чаноқ жомида қалбинг меҳри бор.
Зафардан бонг урдинг — элнинг умиди.
Шу умид аҳдингга зўр қанот бўлди,
Азмингга бўй эгди ниҳиқ табиат,
Мардлик майдонига қадам қўйилди,
Қувончли дамларга элтди жасорат.
Карвонлар боради Чирчиқ бўйида,
Аҳдингга лойиқу, шарафли ишу.
Сўнгги грамм кезар мардлар ўйида,
Қолган ҳосилни ҳам уюшдир орзу,
Тоғлардан юксакка интилар хирмон,
Баланд кўтармоқда олтин қўл уни.
Ҳар тола қўркида эл меҳри аён,
Зафар-ла билинар йилнинг якуни.
Мардларнинг ғайрати билмайди қиёс,
Уюлган ҳар хирмон улар шони дер,
«Зангори кема»лар қучди зўр нҳлос,
Пўлат этаклардан уйди хирмон ер.
«Политотдел»- ери ўзи бир олам,
Майдонда ботирлар урди чўнг жавлон,
Уларнинг измида бўлди ер ҳар дам,
Айлади армуғон сепин бир жаҳон.
Олтин куз фаслининг тароватидан,
Далалар ризқи-рўз кони бўлдим дер,
Азамат мардларнинг зўр ғайратидан,
Пахтазор жасорат шони бўлдим дер.
Ҳар тола қуёшнинг нурини эмган,
Ҳар чаноқ юракнинг қўрини қўрган,
Ҳар дала кумушдан либос кийинган,
Ҳар карвон мардликнинг азми-ла юрган.
Шон қучган мардлар дам олмайди бу чоқ,
Ҳали чаноқларда илиқ табассум,
Эл ахди — ҳосилнинг қолганин йиғмоқ,
Чексиз далаларда бормоқда ҳужум!

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ.

ҲАМИША ҲАМКОРМИЗ

КУНИ КЕЧА республикамиз бўйлаб яна бир хушхабар тарқалди. Коммунистик райони меҳнаткашлари областимизда иккинчи бўлиб давлатга пахта топшириш йиллик планларини бажаришди. Албатта, деҳқонлар учун ниҳоятда оғир келган бу йилги об-ҳаво шароитида бундай меҳнат муваффақиятини қўлга киритишнинг ўзи бўлмади. Йил бўйи барча хўжаликларда ғўза парваришини намунали йўлга қўйиш, дефолиацияни ўз вақтида сифатли ўтказиш, қолаверса, пахта йиғим-теримини ипатоволиклар усулида ташкил этиш туфайлигина дастлабки довондан барвақт ошилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, коммунистикликларнинг меҳнат зафарларига ҳашарчиларнинг ҳам қўшган улушлари салмоқли бўлди. Айниқса, сафларида 600 кишини бирлаштирган 18 комсомол-ёшлар отрядларининг йиғим-теримдаги жонбозликлари алоҳида таҳсинга лойиқдир. Кунлик нормаларини ортиғи билан бажаришга астойдил ҳаракат қилган бу отрядлар коллективлари областимизнинг турли шаҳар ва районларида тузилган.

Область физиотерапия касалхонаси ёшларидан тузилган бизнинг 30 кишилик отрядимиз аъзолари ҳам район пахтакорларига яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Коллективимизнинг ҳозиргача терган пахталари 80 тоннага яқинлашиб қолди. Биз комсомол-ёшлар отрядлари ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада қатнашишни давом эттириб, далалардан «оқ олтин»нинг сўнгги мисқоллари йиғиштириб олингунча меҳнат қилишга аҳд қилганмиз.

Ҳ. АҲМАДЖОНОВ,
область физиотерапия касалхонаси ҳашарчилар отряди бошлиғи.

ЯНА БИР ЗЎР БЕРСАК

РАЙОНИМИЗ пахтакорлари йиллик халқ хўжалик планини бажардилар. Бу бизнинг ҳам ютуғимиздир. Бу ютуққа колхозимиз аъзолари баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар ёрдамида йиғиштириб олинди, машиналар тўла унум билан ишлатилди.

Буни биргина бизнинг бригадамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу йил коллективимиз 84 гектар майдонда пахта етиштирди. Биринчилардан бўлиб йиллик планни уддаладик. Деярли ҳамма ҳосил биринчи сортга сотилди. Ҳамкасбларим Режеб Серикбоев ва Темирали Айтбоевлар ҳам кўнгилдагидек меҳнат қилишди.

Айни қизғин кунларда 10—15 тоннадан пахта тердик. Йиллик планнинг 10 процентига етказиб «оқ олтин» топширдик. Буларнинг ҳаммаси техника шарофатидир.

Халқимизда меҳнат қилган хирмон уяди, деган нақл бор. Тўғри гап. Бригадамизга II ва III даражали Меҳнат Шуҳрати орденларининг кавалери, тажрибали пахтакор Василий Ким раҳбарлик қила бошлагач, ҳамма соҳада қувончли ютуқларга эриша бошладик. Бригадирнинг тадбиркорлиги, ишни тўғри ташкил эта билиши ғалабаларимизнинг гаровни бўлаётир.

Иккинчидан, деҳқонларимиз ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида сифатли ўтказадилар. Мана, бугунги кунда қилинган фидокорона меҳнат ўз самарасини кўрсатиб турибди. Даламизда ҳали ҳосил мўл.

Ўн биринчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида ҳосилдорликни 50 центнерга етказишга аҳд қилдик. Яна бир зўр берсак юксак социалистик мажбуриятни ҳам бажарамиз. Кўпмингкилограммчиларимиз мусобақани қизғин давом эттиришмоқда. Гулчеҳра Абдураҳмонова, Манзура Рўзибоева, Райҳон Нурлибоева, Ўлмас Турмонова, Дариҳа Асановалар кунига 120—130 килограммдан подбор териб, барчага ибрат бўлишяпти. Терилган «оқ олтин»ни пешма-пеш тайёрлов пунктига етказиб беришда транспорт-трактори механизатори Раҳимберди Дўстматов жонбозлик кўрсатяпти.

Дастлабки марра эгалланган бўлса-да, олдимизда жуда катта вазифа турибди. Зиммадаги мажбуриятни ҳам ортиғи билан бажаришимиз керак. Бу мақсадга ҳам сўзсиз эришамиз.

Х. ҒУЛОМОВА,
«Ўзбекистон» колхозининг механизатори.

Районда пахта тайёрлаш халқ хўжалик планининг муддатидан илгари бажарилишида машина теримининг ҳар томонлама пухта уюштирилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳосил айни пишиб етилган кунларда ҳар бир машина бункеридан 7—8 тоннадан «оқ олтин» тўкилди. «Правда» колхозининг тажрибали механик-ҳайдовчиси К. Султонов ҳам социалистик мусобақа пешқадамларидан сафида бўлди.

А. Абалян фотолари.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИДА

«Акмалнинг янги саргузаштлари»

Ватанимиз киностудияларида ҳар йили болаларга бағишлаб талайгина картиналар ишлаб чиқилади. «Ўзбекфильм» киностудиясида яратилаётган «Акмалнинг янги саргузаштлари» номли телевизион бадиий фильм ҳам шулар жумласидандир.

Киноэртак жанрининг мухлислари «Акмал, малика ва аждарҳо» телевизион бадиий фильмини жуда яхши эслайдилар. Унда Акмал исмли ўқувчининг эртаклар оламига тушиб қолиши ҳақида ҳикоя қилинади. Энди «Акмалнинг янги саргузаштлари» фильми суратга олина бошланди.

Лев Аркадьев сценарийси асосида режиссёр Юрий Степчук суратга олаётган бу картинада эртак қаҳрамонлари ўзгармаган. Фақат олдинги фильмда Акмал бош қаҳрамон бўлса, бу картинада етакчи персонаж Гўзалдир.

Бу картинада ҳам бош ролни Дилноза Расулова ижро этади. У бирданига икки ролни — замондошимиз Гўзал ва эртакдаги Малика ролларини ижро этади. Қолган ролларда Сократ Сулаймонов, Ҳайрулла Саъдиев, Ражаб Адашев каби актёрлар қатнашадилар. Фильмдаги янги персонаж Комил ролини Улуғбек Ҳамроев ижро этади.

Мазкур лентани операторлардан Лев Симбирцев ва Равиль Ғаниев суратга олмоқдалар. Фильмга Игорь Гуленко рассомлиқ қилмоқда. Картина учун куйларни Евгений Ширяев басталамоқда.

«Севги ҳақида афсона»

«Ўзбекфильм» ҳамда Ҳиндистоннинг «Игл-фильмз» студиялари томонидан «Севги ҳақида афсона» фильми суратга олинмоқда. Бу фильм сценарийсини Ж. Сидқи ва У. Меҳра билан ҳамкорликда У. Умарбеков ҳамда Л. Файзиевлар ёзишган. Мазкур лентани таниқли ўзбек режиссёри Латиф Файзиев ва ҳинд режиссёри Умеш Меҳра суратга олмоқдалар.

Фильмга ўзбек йигити Изат ва ҳинд қизи Сони орасидаги муҳаббат ҳақидаги афсона асос қилиб олинган. Афсонани халқ яратади. Шундай экан унда халқ орзу-умидлари ўз аксини топади. Бу афсонада барча халқларга хос бўлган тинчлик, дўстлик, юксак муҳаббат каби умуминсоний ғоялар ўз ифодасини топган.

Фақатгина «Ўзбекфильм» павильонларидагина эмас, Чимён тоғларида, Бухорода, Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятида суратга олинадиган бу картинадаги ролларни Санни Доил, Пунам, Шами Капур, Зийнат Омон каби ҳинд актёрлари билан бирга Наби Раҳимов, Зикир Муҳаммаджонов, Фрунзик Мкртчян, Санъат Девонов каби совет актёрлари ижро этадилар. Икки халқ санъати ҳамкорлигининг янги маҳсули бўлган бу фильм шарқ мусиқий санъати намуналари, куй ва қўшиқларга бой бўлади.

«Оловли йўллар»

Ўзбек кино санъатининг етук намояндаларидан бири СССР халқ артисти, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Шуҳрат Аббосов номини нафақат республикамиз, балки иттифоқимизнинг миллион-миллион томошабинлари яхши билишади.

Унинг «Маҳаллада дувдув гап», «Тошкент — нон шаҳри», «Абу Райҳон Беруний», «Муҳаббат можароси» сингари фильмлари ўзбек киносини юксалишига муҳим ҳисса қўшди. Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан» фильми эса совет кинотомошабинлари томонидан гуманистик гимн сифатида қабул қилинди.

Мана, қарийб ўн йилдан буён Шуҳрат Аббосов Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек совет адабиётининг асосчиси, композитор, режиссёр, педагог ва таниқли жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида кўп серияли телевизион бадиий фильм эпопеясини суратга олаётир. Бу фильмнинг ўн икки сериядан иборат уч циклини сиз Марказий телевидение орқали томоша қилдингиз. Шу кунларда эса мазкур «Оловли йўллар» фильмининг IV ва V қисқи устида қизғин иш олиб борилмоқда. Ҳар бири икки сериядан иборат бу цикллардан бири «Туркистон ўт ичида», иккинчиси эса «Менинг республикам» деб аталади.

Мазкур фильмларнинг олдинги қисмларида Ҳамзанинг революциягача бўлган демократик фаолияти очиб берилган бўлса, сўнгги серияларда Ҳамза инқилоб жангчиси ва куйчиси даражасига кўтарилади.

Бош ролда таниқли ўзбек актёри Ўлмас Алихўжаев, шунингдек, томошабинлар таниқли санъаткорлар Наби Раҳимов, Пўлат Саидқосимов, Бимболат Ватев, Ёқуб Аҳмедов, Тамара Шокирова ва бошқалар ижро этган персонажлар билан танишадилар. Туркистон ҳарбий фронтининг қўмондони М. В. Фрунзе ролини Пермь шаҳридаги рус драма театрининг актёри Виктор Саитов, унинг ҳарбий комиссари Д. А. Фурманов ролини эса РСФСРда хизмат кўрсатган артист Лев Пригунов ижро этмоқда. Бу таниқли совет актёри ўзбек киносида илк бор суратга тушиши. Биринчи ўзбек ашулачиси Муҳиддин Қориёқубов образи Ҳамза номидаги республика драма театри актёри Эркин Комиловга юкланган. Бухоро амири ролини Озарбайжонда хизмат кўрсатган артист Расим Бадаев жонлантиради. Ҳамзанинг севиклиси Саодат ролини Тошкент шаҳридаги болалар боғчаси тарбиячиларидан бири Наргиза Аллаева ижро этмоқда. Саодат Наргизанинг кинодаги биринчи ролидир.

Шуни таъкидлаш керакки, фильмда таниқли партия ва жамоат арбоблари М. И. Калинин, Ф. Хўжаев, А. Икромов, Й. Охунбобоев, У. Юсупов, санъатимиз арбоблари марҳум Кузнецова ва Юсуфжон қизиқ образлари ҳам мужассамланади.

Ўйлаймизки, СССР халқ артисти Шуҳрат Аббосовнинг 16 сериядан иборат «Оловли йўллар» телеэпопеяси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиқ юбилейига муносиб туҳфа бўлади.

У. АБДУШОҲИДОВ.

МОСКВА КЎРГАЗМАСИДА

«САТИРА ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШДА»

Москвадаги СССР Рассомлар академиясининг залида «Сатира тинчлик учун курашда» деб номланган тасвирий санъат асарларининг IV Халқаро кўргазмаси ўз ишини давом эттирмоқда. Бу ерда тошкентлик рассомларнинг тинчликни мадҳ этувчи, уруш олови ёқувчиларни фош этувчи 50 дан ортиқ плакатлари намойиш қилинмоқда.

Томошабинлар, айниқса, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ҳамза номидаги республика давлат мукофотининг лауреати Фарук Кагаровнинг асарларини қизиқиб кўздан кечиришмоқда.

*

Суратда: Ф. Кагаровнинг кўргазмада намойиш этилаётган «Қуёш ер юзидаги ҳамма болаларга» плакатининг фоторепродукцияси (пастда).

*

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

1 ноябрдан 8 ноябргача

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ШАҲАРЛАРИ ВА РАЙОНЛАРИДА

«ОКТЯБРГА ШОН—ШАРАФЛАР» ШИОРИ ОСТИДА

ХРОНИКАЛЬ-ҲУЖЖАТЛИ ВА ИЛМИЙ ОММАБОП ФИЛЬМЛАР

КИНОФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗАДИ

БЕКОБОД ШАҲРИ

«ЮБИЛЕЙНИЙ» КИНОТЕАТРИ

«Қалбимизда Ленин билан».
«Ленининг Смольний кабинети».

ЧИРЧИҚ ШАҲРИ

«НАВОИЙ» КИНОТЕАТРИ

«Партиянинг туғилиши».
«Революция, давом этмоқда».

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

«КОСМОС» КИНОТЕАТРИ

«Ер курраси биринчи коммунисти».
«Петербург йиллари».
«Революциянинг биринчи қадами».

АНГРЕН ШАҲРИ

«ДЎСТЛИК» КИНОТЕАТРИ

«Революционернинг мақсаткатли вазифаси».

ОҲАНГАРОН ШАҲРИ

«ВОСХОД» КИНОТЕАТРИ

«Чор самодержавиесига қарши штурм».
«Нима бўлса ҳам, тезлик билан».

ЯНГИОБОД ШАҲРИ

«РАДУГА» КИНОТЕАТРИ

«Ленин ва вақт».
«Қонли якшанба».

ПСКЕНТ РАЙОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССР 40 ЙИЛЛИГИ» КИНОТЕАТРИ

«Ленин: сўнгги подполье».
«Жаҳон узра байроқ» (Ленин, III конгресс).

ЯНГИЙЎЛ ШАҲРИ

«ПОБЕДА» КИНОТЕАТРИ

«Ленин Швейцарияда етти йил».

ПАРКЕНТ РАЙОНИ

«БАҲОР» КИНОТЕАТРИ

«Лениндан икки қадам берида».
«Йилнинг бошланишида».
«Ленин туғилган замин».

ҒАЛАБА РАЙОНИ

«ҒАЛАБА» КИНОТЕАТРИ

«Қизил нон».
«Кураш ва ижод».

ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ

«ЕШЛИК» КИНОТЕАТРИ

«Владимир Ульянов».
«Мангу барҳаёт».

КЕЛЕС ШАҲРИ

«СПУТНИК» КИНОТЕАТРИ

«Нон комитети бошлиғи».
«Миха—Ильичнинг дўсти».

ЧЕХОСЛОВАКИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МОТОЦИКЛ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РСФСР САВДО МИНИСТРЛИГИНИНГ «РОСПОСИЛТОРГ» МОСКВА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН БАЗАСИ

ЯВА-350, мотоциклларн, 634-01, 634-8-00, 634-8-1Б, 634-7-00 моделларига эҳтиёт қисмларини.

ГРАЖДАНЛАРГА УСТАМА ТЎЛОВЛИ ПОСИЛКАЛАРНИ ПОЧТА ОРҚАЛИ

ЯККА ТАРТИБДАГИ БУЮРТМА БЎЙИЧА ЮБОРАДИ.

Прейскурантлар ва буюртма бланкалари гражданларнинг сўровига биноан юборилади.

Буюртма бланкасини тўлдириш пайтида мотоциклнинг маркаси, модели ва қайси йилда ишлаб чиқарилганлигини ёзиб кўрсатиш лозим.

Буюртмаларни ушбу адресга юборилишини сўраймиз: 113211, Москва шаҳри, Овчинниковская қирғоғи, 8-уй.

База муассаса ва ташкилотларга хизмат кўрсатмайди.

Ҳаҳон янгиликлари

ВЕНАДАГИ МУЗОКАРАЛАРДА

ВЕНА, 27 октябрь. (ТАСС). Марказий Европада қуролли кучлар ва қуроллар ҳақида ўзаро қисқартириш тўғрисидаги музокараларнинг бугунги ялпи мажлисида ПХР делегациясининг бошлиғи С. Пжигодский сўзга чиқди. Журналистларга хабар қилинганидек, у ҳозирги халқаро вазият ва Вена музокараларидаги ишларнинг конкрет аҳволи Вена анжумани ишининг 30 октябрда бўладиган 10 йиллигини тантанали нишонлаш учун асос бермайди, балки конкрет натижаларга эришишга қаратилган куч-ғайратларни кўпайтиришни қатъий талаб қилади.

Докладчи Вена музокараларида шу қадар узоқ давом этган турғунликнинг конкрет сабабларини анализ қилиб, улардан асосийсини — НАТО давлатларининг социалистик мамлакатларга улар хавфсизлигига зарар етказадиган ва тенг ҳуқуқли бўлмаган мажбуриятларни тиқиштириш йўлидаги муттасил уринишини алоҳида кўрсатиб ўтди. Бундан ташқари НАТО мамлакатлари йил сайин Венадаги музокараларнинг асосий мақсадига хилоф бўлган ҳаракатлар қилиб келмоқдалар, аввало бу — Варшава шартномасида қатнашувчи давлатларга нисбатан ҳарбий устунликка эришишни мўлжаллаб НАТОнинг ядровий ва оддий қурол-яроғларини кўпайтириш программасидир.

ПХР делегациясининг бошлиғи Ғарбий Европада Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ядровий ракеталарини жойлаштириш давом эттирилаётганини таъкидлаб ўтди. АҚШ қўшинларни ва қурол-яроғларни қисқартиришнинг туб масалаларини ҳал этишдан ҳамон бўйин товлаб, ишни бирон бир айрим жиҳатларни, масалан контроллик тадбирларини муҳокама этишдангина иборат қилиб қўйишга интилмоқдалар.

Польша делегати пировардида бундай деди: ниҳоят, Ғарб томони социалистик мамлакатларнинг таклифларига ижобий жавоб қайтарган тақдирда амалда томонларнинг позицияларини бир бирига яқинлаштириш ва битимга эришиш йўли очилади. Вена музокараларида олға силжиш масаласи аллақачон етилган. Бу масаланинг ҳал этилиши Ғарб бу гал Вена музокараларини ўзи олиб кирган боши берк кўчадан ҳалос этишга, ўзаро мақбул қарорларни ишлаб чиқишга нисбатан сиёсий ирода кўрсатиши ёки кўрсатмаслигига боғлиқ бўлиб колган холос.

СССР Делегацияси, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Ю. В. Андроповнинг «Правда» газетаси саволларига жавоблари текстини музокараларнинг қатнашчилари ўртасида тарқатди.

НАТО ЯДРОВИЙ ПЛАНЛАШТИРИШ ГРУППАСИНИНГ МАЖЛИСИ

ОТТАВА, 27 октябрь. (ТАСС). Бугун бу ерда НАТО ядровий планлаштириш группасининг мажлиси очилди. Мажлисда шу ҳарбий группадаги мамлакатларнинг мудофаа министрлари иштирок этмоқдалар. Бу ерда хабар қилишларича, мажлисда Американинг ўртача олисликка учириладиган янги ракеталарини ГФР, Буюк Британия ва Италияда жойлаштиришга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади.

Журналистларнинг доираларида айтишларича, шу мажлисда Қўшма штатлар Ғарбий Европа мамлакатлари территориясида эга бўлган ва эскириб қолган оператив тактик ядровий аслаҳаларини алмаштириш ва уларни қурол-яроғлар қаторидан чиқариб ташлаш ҳамда уларни бирмунча самарали аслаҳалар билан алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилинади. НАТО раҳбарлари шу қарордан пропаганда мақсадларида, жумладан Американинг янги ядро қуроли Ғарбий Европада жойлаштирилишига, урушга қарши ҳаракат иштирокчиларининг талабларини бостиришга уриниб кўриш учун фойдаланиш ниятидадирлар.

НОРОЗИЛИК МИТИНГИ

Япония пойтахтида Я. Накасонэ ҳукуматининг соғлиқни сақлаш соҳасидаги халққа зид сиёсатига қарши оммавий норозилик митинги бўлиб ўтди. Митингда бир мингга яқин киши қатнашди. Япония соғлиқни сақлаш ходимлари касаба союзининг Токио бўлими ва бошқа тараққийпарвар ташкилотлар уюштирган митинг иштирокчилари либерал-демократлар кабинетининг медицина хизмати учун тўланадиган ҳақни ошириш режаларини кескин танқид қилдилар. Улар ҳарбий ҳаражатларни камайтиришни, бўшаб қолган маблағларни социал эҳтиёжлар учун сарфлашни талаб этдилар.

(ТАСС, 27 октябрь).

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

КИТО

Мамлакатда қатталиги жиҳатидан иккинчи шаҳар бўлмиш Гуаякилда Эквадорда нарх-наво ўсганлигига қарши катта норозилик намойиши бўлиб ўтди. Эквадор меҳнаткашлар бирлашган фронтининг даъватига мувофиқ минг-минглаб намойишчилар ишчи ва хизматчилар турмуш шароитларининг яхшиланиши учун шошилинч чоралар кўрилишини ҳукуматдан талаб қилиб, шиор ва плакатлар кўтариб шаҳар кўчаларидан ўтдилар.

АММОН

Иордания пойтахтидаги совет маданият маркази биносида совет китоблари кўргазмаси очилди. Экспозицияда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, Москва, Ленинграддаги ва иттифоқдош республикалардаги шарқшунослик институтларининг илмий тадқиқотлари бор.

Иордания жамоатчилиги кўргазмага зўр қизиқиш билан қараб, у СССР билан Иордания ўртасидаги икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб таъкидламоқда.

ДЕҲЛИ

Ҳиндистон пойтахти ишчилар районларидан бирида тинчлик тарафдорларининг «Қуролланиш пойгасига йўл қўймаймиз!», «Жаҳонга — тинчлик!», «Ядро қуроли тақиқлансин!» деган шиорлар остида оммавий намойиши бўлиб ўтди. Намойиш ҳозирги вақтда ўтказилаётган қуролсизланиш ҳаракати ҳафталигига бағишлаб умумҳиндистон тинчлик ва бирдамлик ташкилотининг ташаббуси билан ўтказилди.



ЎЗБЕК ЭРТАКЛАРИ ЯПОН ТИЛИДА

Таниқли тошкентлик рассом, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Жавлон Умарбеков «Радуга» нашриёти буюртмасини бажарди. У Бутуниттифоқ нашриётида чоп этилаётган «Уч оғайни ботирлар» машҳур ўзбек халқ эртаги асосида расмлар туркумини яратди.

Рассом бу борада анчагина тажриба орттирган. У Ғафур Ғулом номидаги ҳамда «Ёш гвардия» нашриётларида чоп этилган ўндан ортиқ китобнинг безакчи рассомидир. Бу сафар Жавлон Умарбеков безаган китоб япон тилида чоп этилаётир.

О. АПУХТИН.

СУРАТДА: рассом Ж. Умарбековнинг «Уч оғайни ботирлар» эртагига ишлаган расми (пастда).

Автор фоторепродукциялари.

РУМИНИЯДА ёнилғини тежаш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор берилмоқда. Мамлакат мутахассислари газ билан ишлайдиган автобус (суратда) яратдилар. Бундай автобуслар устидаги балонларда икки атмосфера босимлик метан бўлади. У дизель ёнилғиси билан қўшилиб, двигатель учун ёнувчан суюқлик ташкил этади.

АЖЕРПРЕСС—ТАСС фотоси.

ИШЧИ-ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» редакцияси ҳузуридаги ишчи-қишлоқ мухбирлари университетига тингловчилар қабул қилинмоқда. Ўқиш икки йиллик, машғулотлар икки ҳафтада бир марта, жума кунлари кеч соат 18 да ўтказилади.

Университетга ишчилар, колхозчилар, зиёлилар ва студентлар — газетага хатхабар ёзишга иштиёқи бўлган барча касбдаги кишилар киришлари мумкин.

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади: иш ёки ўқиш жойидан характеристика—тавсиянома, таржиман ҳол, 3х4 см ҳажмдаги иккита фотосурат.

Ҳужжатлар редакция биносида (14-қават, 13-хона) қабул қилинади. Пропуск бюросидан 53-54 номерли телефонга қўнғироқ қилинсин. Справка учун телефон: 32-53-54.

СПОРТ

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● БАСКЕТБОЛ. Тошкентнинг «Университет» командаси баскетбол бўйича мамлакат чемпионатининг иккинчи тур мусобақаларида муваффақиятли иштирок этаётир. Ўтган куни улар Вильнюснинг «Статиба» командаси билан учрашиб 89:86 ҳисобида муҳим ғалабани қўлга киритдилар. Кетма-кет эришилган икки ғалаба командамизнинг кучли олтиликка кириб, медаллар учун курашни давом эттиришини бирмунча ойдинлаштириб қўйди.

● ФУТБОЛ. Мамлакат футбол чемпионати иккинчи лига 7-зона ғолиби — Фарғонанинг «Нефтянник» командаси биринчи лигага ўтиш учун финал турнирда иштирок этмоқда. Фарғоналиклар ўз майдонларида Куйбишевнинг «Крилья Советов» командасини қабул қилдилар. Учрашув 1:1 ҳисобида тугади.

● КЛАССИК КУРАШ. Болалар ва ўсмирлар ўртасида уч марта мамлакат чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Н. П. Раков хотира соврини учун шаҳарлараро халқаро турнир Ленинград шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Тошкентдан борган «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти вакиллари республикамиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қила олдилар. Жумладан тренерлар Бахтиёр Омеров ҳамда Расим Байрамовларнинг шогирдлари Аваз Музаффаров (80 килограмм вазн тонфасида), Жаҳонгир Ҳасанов (50 килограмм вазн тонфасида), Арсен Закеряев (35 килограмм вазн тонфасида) ўз тенгдошлари орасида биринчи ўринни эгалладилар.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I

9.00 — «Время».
9.40 — Концерт.
10.10 — Ҳужжатли фильм.
10.30 — «Буратино» кўргазмаси».
11.00 — «Спортлото»нинг 44-тиражи.
11.10 — «Ота-оналар, Сизлар учун».
11.40 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
12.10 — «Сизни қизиқтирган адабиётлар».
12.55 — Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати.
13.45 — «Сиз бунга қодирсиз».
14.40 — «Камалак».
15.05 — «Инсон. Ер. Коинот».
15.50 — «Дунё воқеалари».
16.05 — «Майдонда фақат қизиқчилар».
16.40 — «Спорт гимнастикаси бўйича жаҳон чемпионати».
17.30 — «Тинчликка ким хавф солмоқда?»
18.25 — Мультфильм.
18.40 — Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.
19.10 — «Ҳайвонот оламида».
20.15 — «Комсомоллар — тиним билмас қалблар».
21.30 — «Время».
22.05 — Кинопанорама».
23.40 — Оғир атлетика бўйича жаҳон чемпионати.
00.20 — Янгиликлар.

МТ-II

9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — «Илмий-оммабоп фильм. 9.50 — «Тонгги почта». 10.20 — «Ижодга иштиёқ бор». 11.10 — Мотоспорт бўйича халқаро мусобақалар. 11.30 — «Братислава музикали тантаналари». 12.20— Ҳужжатли фильм. 12.30 — ГРУЗИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.00 — Футбол бўйича Европа чемпионатининг саралаш матчи. «Польша» — «Португалия». 14.45 — «Голиблар». 16.10 — «Музикали киоск». 16.40 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 17.25 — Мультфильм. 17.50 — Концерт. 18.50 — Телеспектакль. 20.15 — «Халқаро обзор». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — Хоккей бўйича СССР чемпионати.

ЎзТВ-I

10.00 — Янгиликлар.
10.10 — «Югуриш — саломатлик гарови».
10.35 — «Излаб топ мени, Лёня!» Бадиий фильм.
12.00 «Оналар мактаби».
12.30 — «Светофор».
13.30 — «Кинопублист экрани».
14.15 — «Замандас».
17.00 — «Дўстлик экрани».
18.00 — «Бойчечак».
18.30 — «Ёшлик» студияси кўрсатади.
19.30 — «Ахборот».
19.45 — «Оламга саёҳат».
20.30 — «Ахборот».
20.50 — Концерт.
21.30 — «Время».
22.05 — Концерт.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Тошкент область автомобиль йўллари қурилиши ва эксплуатацияси бошқармаси ва 1-йўл-қурилиш бошқармаси коллективлари область 1-йўл-қурилиш бошкармаси бошлиғи А. И. Тўлаганова онаси

Қумри Саъдиеванинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг ва Халқ депутатлари Тошкент область Советининг органи

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02257 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.—1705. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12